

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ФЕРУЗ ШАМШОДОВИЧ**

**ЧИҚИНДИ ПОЛИГОНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ЕР  
ТАНЛАШ УСЛУБИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Бухоро вилояти мисолида)**

**06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Худойбердиев Феруз Шамшодович**

Чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини  
геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (*Бухоро  
вилояти мисолида*)..... 3

**Худойбердиев Феруз Шамшодович**

«Совершенствование метода выбора земель для размещения полигона  
отходов на основе геоинформационных технологий (*на примере  
Бухарской области*) ..... 23

**Khudoyberdiyev Feruz Shamshodovich**

Improving the method of choosing land for the placement of a waste  
landfill based on geoinformation technology (*on the example of the  
Bukhara region*)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ФЕРУЗ ШАМШОДОВИЧ**

**ЧИҚИНДИ ПОЛИГОНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ЕР  
ТАНЛАШ УСЛУБИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Бухоро вилояти мисолида)**

**06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.3.PhD/T2991 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Алтиев Абдурашид Султонович  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Расмий тақризчилар:**

Қурвонтоев Раҳмонтой  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Мусаев Илҳомжон Мақсудович  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «14» апрел соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш. Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (262 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2023 йил 17 март куни тарқатилди.

(2023 йил «17» март даги 262 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Қ.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кунига 3,5 млрд. тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра<sup>1</sup>, дунёда ҳар йили 884 миллион тонна озиқ-овқат чиқиндилари чиқиндихоналарга ташланади. Демак, барқарор ривожланиш жамият аъзоларининг атроф-муҳитга ва табиий ресурслардан фойдаланишга муносабатини ўзгартиришга бевосита боғлиқ. Чунки чиқинди полигонларини бошқаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида дастурий таъминотлардан фойдаланиб, чиқинди полигонлари учун ажратилган ерларни бошқариш мақсадида геоахборот маълумотлар базасини автоматлаштириш ва уни модуллаштириш тизимини амалиётга жорий этиш тақозо этилмоқда. Шу жиҳатдан чиқинди полигонлари ерларидан фойдаланишнинг назоратини ўрнатиш, геомаълумотлар базаси орқали чиқинди полигонлари ерларини ҳисобини юритиш, улар тўғрисидаги ахборотлар тизимини шакллантириш ва полигонларни жойлаштиришни автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлашда замонавий усулларни қўллаган ҳолда чиқинди полигонларининг геомаълумотлар базасида мавзули қатламларни шакллантириш ва геовизуаллаштириш, геоахборот тизимини қўллаш асосида чиқинди полигонларини мақбул жойлаштиришнинг такомиллаштирилган ва комплекс илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада чиқинди полигонлари учун ер ажратиш жараёнида юқори аниқликдаги ер турлари тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш ва ер танлашнинг мақбуллиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маиший чиқиндилар билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудларнинг экологик ва санитария ҳолатини яхшилаш, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектлари ҳисобини юритиш, қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш тизимини автоматлаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясининг 79-бандига мувофиқ "... маиший чиқиндиларни йиғишни 100 % га, 2026 йилга қадар уларни қайта ишлаш даражасини 21 % дан 50 % га етказиш" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ўз навбатида чиқинди полигонлари учун ер танлашни замонавий усуллар асосида ташкил этиш, чиқинди полигонларининг геомаълумотлар базасини шакллантириш ва геовизуаллаштириш асосида уларни жойлаштириш жараёнларининг

<sup>1</sup> [Презентация-Упаковка-2022-01-25.pdf \(fao.org\)](https://www.fao.org/3/qa/qc042e/qc042e01.pdf)

автоматлашган тизимини модуллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистонда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сон “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, ҳамда 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон “Санитария жихатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари” Қарорлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон “Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш” ҳамда IV. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чиқинди полигонлари ерларини бошқариш, уларнинг атроф-муҳитга, табиий ресурсларга таъсири, қолаверса, геоинформацион тизимлар асосида чиқинди объектларини жойлаштириш учун ер танлаш бўйича хорижий давлатлар олимлари қаторида республикамизда ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бинобарин, муаммонинг геоахборот тизимлари ва масофавий зондлаш усулларида фойдаланган ҳолда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлашнинг назарий ва услубий асосларини хорижий давлат олимларидан - Е.А.Пичугин, О.Б.Низамутдинов, А.А.Зайцев, С.В.Исаев, Е.В.Панин, Л.Л.Бабенко, В.Х.Хмиш, Ю.В.Завизион, Л.В.Рудакова, Ю.К.Алдушина, Ahmad Kabir, Andrey Richter, Maretta Kazaryan, Michael Shahramanyan, Adeel Ahmad, Umar Javid, Muhammad Asif Javed, Sajid Rashid Ahmad, Muhammad Abbas Jaffri, Mudassar Ashfaq, И.А.Шамов ва бошқа олимлар геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича янги схема, маълумотларни йиғиш, мезонларни геоахборот тизимлари қатламига айлантириш, маълумотларни қайта ишлаш, глобал жойлашишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган бўлса, чиқинди полигонларини жойлаштиришда, жой танлашнинг экологик асосларини такомиллаштириш масалаларини эса, В.И.Беспалов, О.Н.Парамонова, Ю.К.Алдушина, А.В.Погорелов, В.В.Блохин, Р.Г.Адамян, Д.А.Липилин,

В.Е.Станиславчик, А.В.Атерекова, А.О.Грекова, С.Б.Сиваев, Д.Б.Неклюдов, Н.И.Тулская, Я.Г.Пошивайло, В.Е.Лукина, А.В.Дубровский, Н.В.Гусакова, Д.М.Воробьев, П.Н.Барановский, О.И.Малыгина, Г.А.Уставич, В.А.Королев, Н.И.Артемов, В.В.Петров, Б.А.Новаковский, А.Ю.Гусева ва бошқалар ишлаб чиқишган.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни маиший чиқиндиларидан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга тадбиқ этиш муаммолари бўйича М.Б.Тиркашева, А.А.Тайлақов, Д.Ш.Бердиева, П.С.Султонов, У.И.Алматова, И.Б.Эгамбердиев, С.О.Алимкулов, Г.Х.Худойбердиева, К.Шодиметов ва бошқа маҳаллий олимлар изланишлар олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда чиқинди полигонлари жойлаштириш учун ер танлаш ишлари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, чиқинди полигонлари жойлаштириш учун ер танлаш услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг “Геоахборот маълумотлар базасида ҳудудларда мавжуд заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларга тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларини бажариш тўғрисидаги №57-22GEO-сонли хўжалик шартномаси (2022), Бирлашган миллатлар ташкилотининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти (ФАО)нинг GCH/SEC/293GFF “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш лойиҳаси” мавзусидаги амалий тадқиқот (2020-2022 йй), “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** геоахборот технологиялари асосида чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аэрокосмик суратлардан фойдаланиб чиқинди эгаллаган ер майдонлари миқдорини аниқлаш, санитар, муҳофаза ва ҳимоя зоналари таъсиридаги объектларни белгилаш ва геомаълумотлар базасини такомиллаштириш;

чиқинди полигонларини атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқ хўжалиги экин ерлари, сув ҳавзалари, ирригация тармоқлари жойлашишини инобатга олган ҳолда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

чиқинди полигонларини геовизуаллаштириш ва лойиҳавий ишланмаларни амалга оширишда чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасининг геоахборот маълумотлардан хабардор бўлиш мақсадида геопортал ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти ҳудудида жойлаштирилган чиқинди полигонлар ва улар учун ажратилган ерлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** чиқинди полигонлари ерларини геоахборот технологиялар асосида мониторинг қилиш, объектларининг геомаълумотлар базасини шакллантириш, геовизуаллаштириш ва уларни жойлаштиришни мақбуллаштириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида чиқинди полигонлари ерлари ҳисобини юритиш, мониторинг қилиш, геостатистик таҳлиллар қилиш, объектларни геофазовий боғлаш, картографик шартли белгилар танлаш, масофадан зондлаш, алгоритмлаш, интерполяция, кодлаш ҳамда ахборотларни рақамлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасининг геомаълумотлар базасини шакллантириш услуги аэрокосмик суратлар ёрдамида масофадан зондлаш механизми асосида такомиллаштирилган;

чиқинди полигонлари жойлашган ҳудудда шамол тезлигини пасайтириш ва чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида улар атрофида махсус ихота дарахтлари чизимларини жойлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилган;

аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқ хўжалиги экин ерлари ва ирригация тармоқлари жойлашишини инобатга олган ҳолда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

KML форматдаги шамол, рельеф, ер ости сизот сувлари сатҳи ва иқлим мавзули вектор қатламларини геовизуаллаштириш асосида чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасининг геопортали ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чиқинди полигонлари жойлашган ер участкалари масофадан зондлаш усули орқали мониторинг қилинган ва геомаълумотлар базаси такомиллаштирилган;

чиқинди полигонлари жойлашган ҳудудда ихота дарахтлари чизимларини жойлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилган;

чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасининг геовизуаллаштирувчи геопортал ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг Бухоро вилояти бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гидрометрология хизмати маркази

материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида яратилган харита, алгоритм ва такомиллаштирилган услуб Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геоахборот тизимларидан фойдаланиб чиқинди полигонлари учун ер ажратиш жараёнида турли хил объектларни ҳисобга олиш асосланганлиги, электрон рақамли хариталарни яратишда сунъий йўлдош геодезик қурилмалари ёрдамида масофадан зондлаш материаллари аниқлиги оширилганлиги, ихота дарахтлари чизимларини жойлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқилганлиги, чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги, геоахборот технологиялари асосида чиқинди объектларини мақбул жойлаштириш тизимини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, чиқинди полигонлари учун мақбул бўлган ҳудудларни танлаш учун ер ости сизот сувлари сатҳи, ер рельефи, шамол йўналиши ва тезлиги, ҳарорат, кишлоқ хўжалигининг экин ерлари, аҳоли пунктлари, ирригация тармоқлари ҳамда инфратузилма объектлари жойлашишини инобатга олиб алгоритм ишлаб чиқилганлиги, Бухоро вилояти ҳудудида чиқинди полигонларини ташкил этиш мумкин бўлган ва ер ажратишда чиқинди полигонларини инобатга олган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқиш учун онлайн геопортал платформаси ишлаб чиқилганлиги, чиқинди полигонларини учун ер танлашни автоматлашган усулда амалга оширишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасининг геомаълумотлар базасини шакллантириш услуби аэрокосмик суратлар ёрдамида масофадан зондлаш механизми асосида такомиллаштириш юзасидан билдирган таклифи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги Бухоро вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 13 октябрдаги 03-02/-7-223-сонли маълумотномаси). Натижада, масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб, чиқинди полигонлари жойлашган ер участкаси майдонини, санитария-муҳофаза ва ҳимоя зоналари таъсиридаги объектларни белгилаш мониторинги асосида геомаълумотлар базаси такомиллаштирилган.

чиқинди полигонлари жойлашган ҳудудда шамол тезлигини пасайтириш ва чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида улар атрофида махсус ихота дарахтлари чизимларини

жойлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан билдирган таклифи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги Бухоро вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 13 октябрдаги 03-02/-7-223-сонли маълумотномаси). Натижада, чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш имконияти яратилган.

аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқ хўжалиги экин ерлари, сув ҳавзалари, ирригация тармоқлари жойлашишини инобатга олган ҳолда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш алгоритми ишлаб чиқиш бўйича берган таклифи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги Бухоро вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 13 октябрдаги 03-02/-7-223-сонли маълумотномаси). Натижада, чиқинди полигонларини ташкил этиш учун мақбул бўлган ер майдонларини танлаш имкони яратилган.

KML форматидаги шамол, рельеф, ер ости сизот сувлари сатҳи ва иқлим мавзули вектор қатламларини геовизуаллаштириш асосида чиқинди полигонлари жойлашган ер участкасинининг геопорталини ишлаб чиқиш таклифи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги Бухоро вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 13 октябрдаги 03-02/-7-223-сонли маълумотномаси). Натижада, мавжуд чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга таъсири доирасини ўрганиш ҳамда жойлаштирилиши режалаштирилаётган чиқинди полигонлари учун энг мақбул бўлган ер майдонларини танлаш ишларини ташкил этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 1 та тавсиянома, 3 та дастурий таъминот гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари

шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чиқинди полигонларининг жойлашуви таснифи ва бу борадаги хорижий тажрибалар**» деб номланган биринчи бобида чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлашда таҳлилий ёндашув, Бухоро вилояти худудидаги чиқинди полигонлари жойлашуви учун ер танлашнинг ҳолати ва чиқинди полигонларини жойлаштиришда буферизация қилиш жараёнлари ва бу борадаги хорижий тажрибалар каби масалалар ёритилган.

Тадқиқот худудидаги мавжуд 16 та чиқинди полигонларини буферизация қилиш орқали ҳимоя ва санитар-муҳофаза зоналарини белгилаш ишлари изланувчи томонидан масофадан зондлаш материаллари асосида лойиҳалаш ишлари амалга оширилди.

Дастлаб Бухоро вилоятининг чиқинди полигонлари жойлашган худудлар космосуратлар ёрдамида ўрганилди. Бунда Бухоро вилояти бўйича жами 19 та объект бўлиб, бугунги кунда 16 таси мавжуд фаолият юритаётган чиқинди полигонлари геовизуаллаштирилди (1-расм).




**1-расм. Бухоро вилоятидаги мавжуд чиқинди полигонларининг амалдаги географик жойлашуви**

Ҳосил бўлган схемалар асосида чиқинди полигонлари учун буферизация ишларини амалга оширишда геоахборот тизими оиласига мансуб дастурий таъминотлардан фойдаланилди. ArcGIS дастурининг махсус буферизация буйруғи ёрдамида ҳимоя ва санитар-муҳофаза зоналарига жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, 300 метр этиб белгиланди.

Диссертациянинг «**Чиқинди полигонларини мониторинг қилиш, топографик асосини яратиш ва геомаълумотлар базасида геовизуаллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида чиқинди полигонларини масофадан зондлаш усули орқали мониторинг қилиш, чиқинди полигонлари учун топографик асос яратиш ҳамда атрибутив маълумотлар жадвалини такомиллаштириш ва геоахборот технологиялар асосида чиқинди полигонлари жойлашувининг геомаълумотлар базасини такомиллаштириш ва геовизуаллаштириш каби масалалар асосланган.

Бухоро вилоятидаги мавжуд чиқинди полигонларини мониторинг қилиш ва геомаълумотлар базасини геовизуаллаштиришда интернет ресурс маълумотларидан кенг фойдаланилди. Бунда “Open street map” сайти орқали Бухоро вилоятига тегишли бўлган физиологик вектор форматдаги мавзули қатламлар юклаб олинди ва ArcGIS дастурининг ArcMap иловаси ёрдамида геовизуаллаштирилди (2-расм).



**2-расм. Бухоро вилоятини генерализация қилиш орқали чегара худудидан ташқи зонадаги мавзули қатламларни ўчирилган схемаси**

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда аниқланган камчиликларга бартараф этиш, кейинги камчиликларни олдини олиш мақсадида чиқинди полигонларининг такомиллаштирилган геомаълумотлар базаси яратилди (1-жадвал).

**Чиқинди полигонларининг мавжуд ва такомиллаштирилган  
геомаълумотлар базасини таққослама жадвали**

Т/р	Мавжуд геомаълумотлар базаси	Т/р	Такомиллаштирилган геомаълумотлар базаси
1	Объектнинг тартиб рақами	1	Объектнинг тартиб рақами
.	.....	.	.....
		13	Чиқинди полигонининг амалдаги майдони (га)
		14	Чиқинди полигони майдонининг чиқинди билан тўлганлик даражаси (%)

Геомаълумотлар базасида шакллантирилаётган чиқинди полигонлари тўғрисидаги ахборотлар амалдаги 12 та устундан 14 та устунга ўзгариши натижасида такомиллаштирилди. Мазкур такомиллаштириш орқали янгидан киритилган устунлар, чиқинди полигонларини бугунги кунда эгаллаб турган ҳақиқий майдони ва тўлганлик даражаси тўғрисидаги кўрсаткичларни тақдим этиш орқали, ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаб олишининг олди олинади.

Диссертациянинг «**Чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлашда экин ерлари, аҳоли яшаш пунктлари ва сув ҳавзалари жойлашувини геомаълумотлар базасига киритиш механизмини такомиллаштириш, чиқинди полигонларини жойлаштиришда ҳудуднинг рельефи, иқлими, шамол йўналишлари ва ер ости сизот сувлари сатҳини геовизуаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Бухоро вилоятида олиб борилган изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, жами 16 та чиқинди полигонидан 6 таси бугунги кунда экологик талабларга жавоб беради. Шу билан бирга ён атрофга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайди. Қолган 10 та чиқинди полигонини мақбул бўлган жойдан қайтадан ташкил этиш зарурлиги изланишлар мобайнида аниқланди (2-жадвал).

**Бухоро вилоятидаги чиқинди полигонлари ва уларни тавсия этиш  
маълумотлари**


Т/р	Ҳудудлар	Тавсиялар
1	Қорақўл тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
2	Жондор тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилади
3	Олот тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
4	Олот тумани марказий чиқиндихонаси	Тавсия этилмайди
5	Бухоро шаҳар марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
6	Ромитан тумани Газли шаҳарчаси марказий чиқиндихонаси	Тавсия этилади
7	Бухоро тумани марказий чиқиндихонаси	Тавсия этилмайди

## 2-жадвал давоми

8	Ромитан тумани марказий чиқиндихонаси	Тавсия этилмайди
9	Бухоро вилояти қаттиқ маиший чиқиндилар тўплаш мини полигони	Тавсия этилмайди
10	Қоровулбозор тумани марказий полигони	Тавсия этилади
11	Вобкент тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
12	Пешку тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
13	Ғиждувон тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилади
14	Шофиркон тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилмайди
15	Когон шаҳри марказий чиқинди полигони	Тавсия этилади
16	Когон тумани марказий чиқинди полигони	Тавсия этилади

Мавжуд тавсия этилган 6 та чиқинди полигонлари ва янгидан ташкил этиладиган чиқинди полигонлари учун махсус ихота дарахтларини ўтказиш орқали плантация қилиш, чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини 80% камайтиришда хизмат қилиши монографик тадқиқотлар давомида аниқланди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида сув танқислиги сабабли мавжуд чиқинди полигонларининг бирортасида ҳам муҳофазаловчи ихота дарахтлари чизими яратилмаган. Шу сабабли ихота дарахтлари чизимини лойиҳалаш ва уларни суғориш учун қудуқлар қазиш учун жойларни аниқлаш бўйича тегишли ҳисоб-китоблар тадқиқотчи томонидан амалга оширилди (3-расм).



**3-расм. Тавсия этилган чиқинди полигонларида муҳофазаловчи ихота дарахтлари чизимини жойлаштириш лойиҳаси**

Асосий муҳофазаловчи ихота дарахтлари чизимини зарарли шамол йўналишига тик жойлаштирилиши натижасида ҳимояланадиган майдоннинг кенглиги (асосий дарахтлар орасидаги масофа) –  $V$  максимал қийматга эга бўлади. Уни қуйидаги ифода орқали топилади:

$$V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin \alpha \quad (1)$$

бунда:  $H$  – дарахтлар чизимининг баландлиги;

$X_{\text{пл}}$  - ҳимояланадиган майдоннинг кенглиги, яъни  $V$  дарахтлар чизими баландлиги ( $H$ ) га нисбатан неча маротаба катта бўлишини белгиловчи коэффициент, амалда  $X_{\text{пл}} = 25 \dots 30$  қабул қилинган.  $\alpha = 45^\circ \dots 135^\circ$  дарахтлар чизими билан зарарли шамол йўналиши орасида оғиш бурчаги.

Лойиҳада асосий дарахтлар чизими билан ҳукмрон шамол йўналиши ўртасида оғиш бурчаги  $135^\circ$  ва ёрдамчи дарахтлар чизими билан зарарли шамол йўналиши орасида оғиш бурчаги  $45^\circ$  эканлиги аниқланган.

$V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin \alpha$  ифодадан келиб чиқиб лойиҳадаги ихота дарахтлар чизимининг баландлигини 15 метр деб белгиланди ва формула бўйича ҳисобланди.

$$1) \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin \alpha \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin 45^\circ \quad V = 30 \times 15 \times 0.71 \quad V = 319,5 \text{ м}$$

$$2) \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin \alpha \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin 90^\circ \quad V = 30 \times 15 \times 1 \quad V = 450 \text{ м}$$

$$3) \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin \alpha \quad V = X_{\text{пл}} \times H \times \sin 135^\circ \quad V = 30 \times 15 \times 0.71 \quad V = 319,5 \text{ м}$$

Ишлаб чиқилган лойиҳада чиқинди полигони худуди ўртача шамол эсиш минтақасида жойлашгани учун асосий ҳимоялайдиган ихота дарахтлари чизими 3 қатор, қаторлар ораси 2,5 метр, ёрдамчи ихота дарахтлар чизими эса 1 қаторли деб қабул қилинди. Тавсия сифатида асосий қатор учун гужум дарахти танланди ва қатордаги дарахтлар ўртасидаги масофа 4 метр деб белгиланди. Лойиҳа бўйича муҳофазаловчи ихота дарахтлар чизими чиқинди полигони санитар-муҳофаза зонасида жойлаштирилиши режалаштирилди.


Лойиҳа объекти сифатида қабул қилинган Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Газли марказий чиқинди полигонининг узунлиги 600 метр бўлиб, биз тавсия қилаётган ихота дарахтлари чизимлари шамол йўналиши билан оғиш бурчаги  $90^\circ$  бўлганда 450 метр масофани, оғиш бурчаги  $45^\circ$  ёки  $135^\circ$  бўлганда 319,5 метргача бўлган масофани 80 % га ҳимоялаши ҳисоб-китоблар асосида аниқланди.

Тадқиқот объекти бўлган Бухоро вилоятининг ўрганилган рельеф, иқлим, шамол йўналиши ва сизот сувлари сатҳидан келиб чиқиб, чиқинди полигонлари учун мақбул жой танлаш алгоритми муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмда ер рельефи аҳоли яшаш жойлари, қишлоқ хўжалиги ерлари ва сув фонди ерларига нисбатан пастликда бўлиши, сизот сувларининг сатҳи 2 метрдан чуқур бўлиши, шамол йўналишида инфратузилмалар бўлмаслиги белгилаб олинди.

Чиқинди полигонларини ташкил этиш учун мақбул жой танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш учун ер баландлиги билан иқлимга оид

кўрсаткичларни геовизуаллаштириш талаб этилиши боис, тадқиқот ҳудудининг ҳарорат ва шамол йўналишлари бўйича хариталари геомаълумотлар базасида яратилди. Мазкур жараён Бухоро вилоятидаги мавжуд 4 та гидрометеорологик станциялар томонидан берилган маълумотлар асосида амалга оширилди.

Бухоро вилоятидаги гидрометеорологик станциялардан ҳарорат кўрсаткичига эга бўлган жадвал кўринишида олинган ахборотлар ArcGIS дастурига вектор қатлам кўринишида киритилди. Ҳарорат кўрсаткичига эга бўлган жадвал кўринишидаги маълумотлар 2021 йил мобайнида аниқланган кўрсаткичлар бўлиб, таҳлил ишларини олиб бориш учун 2021 йил бўйича ҳарорат кўрсаткичларининг ўртача қиймати ўрта арифметик усул ёрдамида аниқлаб олинди. 2021 йил бўйича олинган ўртача ҳарорат кўрсаткичлари интерполяция усулидан фойдаланилган ҳолда геовизуаллаштирилди (4-расм).




**4-расм. Бухоро вилоятининг ҳарорат кўрсаткичларига эга бўлган схемаси**

4-расмдаги схемадан олинган таҳлилларга кўра Бухоро вилоятининг 2021 йил ҳолатига энг паст ҳарорат кўрсаткичи  $14,65^{\circ}$  С бўлса, энг юқори кўрсаткич  $16,50^{\circ}$  С эканлиги аниқланди. Бухоро вилояти бўйича ўртача ҳарорат кўрсаткичи  $15,57^{\circ}$  С ни ташкил этди. Вилоятдаги ўртачадан юқори ҳарорат кўрсаткичлари Олот тумани, Қоровулбозор тумани, Бухоро тумани, Қоракўл туманининг жанубий шарқий қисми, Жондор туманининг жанубий қисми, Когон туманининг жанубий қисми ҳамда Бухоро ва Когон

шаҳарларида кузатилди. Вилоятининг ўртачадан паст ҳарорат кўрсаткичлари Қоракўл туманининг шимолий қисми, Жондор туманининг шимолий-ғарбий қисми, Ромитан туманининг 2 ва 3 қисмлари, Пешку, Шофиркон ва Ғиждувон туманларининг шимолий қисмларида кузатилди.

Бухоро вилоятидаги гидрометеорологик марказлар томонидан берилган шамол йўналишлари бўйича жадвал кўринишдаги маълумотлар ArcGIS дастурига географик жойлашувига кўра киритилиб, 2021 йил бўйича ўртача шамол тезлиги ўрта арифметик усулда аниқланди. Бухоро вилоятининг 2021 йил бўйича ўртача шамол тезлиги тўғрисидаги маълумотлар интерполяция усулида геовизуаллаштирилди (5-расм).




**5-расм. Бухоро вилоятида шамол тезлигининг 2021 йил бўйича ўртача эсиш йўналишлари схемаси**

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилига кўра Бухоро вилоятида 2021 йил ҳолатига кўра йиллик шамол тезлиги энг паст кўрсаткичи 2,57 м/с ни ташкил этади. Вилоятдаги энг юқори шамол тезлиги йиллик ўртача 3,33 м/с ни ташкил этиши илмий изланишлар натижасида аниқланди. Вилоят бўйича 2021 йил ўртача шамол тезлиги 3,03 м/с ни ташкил этиши тадқиқотчи томонидан таҳлил қилинди.

Шамол йўналиши ва шамол тезлиги бўйича олинган маълумотлар чиқинди полигонларини ташкил этишда асосий омил сифатида фойдаланилади.

Тадқиқот ишидаги сизот сувларининг ерга нисбатан бўлган сатҳи бўйича олинган маълумотлар асосий критерияларидан бири ҳисобланади.

Сизот сувлари сатҳи бўйича олинган жадвал кўринишдаги маълумотларни ArcGIS дастурига киритиш учун кузатув қудуқларининг жойларда GNSS ёрдамида координата қийматлари аниқланди. Аниқланган кузатув қудуқларининг координата қийматлари ArcGIS дастурида яратилган геомаълумотлар базасига конвертация қилиш усули орқали киритилди. Электрон рақамли кўринишда шакллантирилган кузатув қудуқлари атрибутидаги сизот сувлари сатҳига оид маълумотлар асосида интерполяция усулини қўллаб, сизот сувлари сатҳи, майдон кўринишида геовизуаллаштирилди (6-расм).




**6-расм. Бухоро вилояти бўйича сизот сувлари сатҳининг ер юзасига нисбатан амалдаги жойлашув схемаси**

Бухоро вилоятида 2594 та кузатув қудуқлари мавжуд бўлиб, вилоят бўйича сизот сувлари сатҳи ерга нисбатан энг яқин бўлган масофаси 0,5 метрни ташкил этади. Шу билан бирга энг чуқур масофа 5,0 метрни ташкил этиши таҳлиллар натижасида аниқланди. Вилоятда ўртача сизот сувларининг ерга нисбатан жойлашув сатҳи 2,5 метрни ташкил этади.

Сизот сувлари яқин бўлган ҳудудларда чиқинди полигонларини ташкил этиш тавсия этилмайди. Шу боис мазкур тадқиқот ишида Бухоро вилоятининг рельефи, ҳаво ҳарорати, шамол йўналиши билан бирга ер ости сизот сувларининг сатҳи ўрганилди ва таҳлилий ишлар амалга оширилди.






**7-расм. Бухоро вилояти бўйича чиқинди полигонларини ташкил этиш учун тавсия этиладиган ҳудудларнинг лойиҳавий жойлашув схемаси**

Олиб борилган таҳлилий тадқиқотларга кўра Бухоро вилоятида Олот, Бухоро, Вобкент, Қоровулбозор туманлари, Бухоро, Когон шаҳарларида чиқинди полигонларини ташкил этиш учун мақбул ҳудуд мавжуд бўлмаганлиги сабабли, кўшни туманлардаги чиқинди полигонларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур тавсия этиладиган ва мавжуд чиқинди полигонларини геопортал орқали геовизуаллаштириш, давлат ташкилотларини бу борада хабардор қилиш ҳамда ташкил этилаётган лойиҳаларда чиқинди полигонларини инobatга олиш орқали муаммоли вазиятларни келтириб чиқармасликка асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли тадқиқот ишида чиқинди полигонларини махсус дастурлаш ёрдамида геовизуаллаштириш ишлари муаллиф томонидан олиб борилди.

Олиб борилган изланишлар дастлаб QGIS дастурида шакллантирилган мавзули қатламлар KML(KMZ) формат бирлигига келтирилиб, геопортал орқали вектор қатламлар импорт қилиб олинди. Олинган маълумотлар геофазовий координаталари текширилиб, ҳар бир объектнинг атрибутив маълумотлар жадвали тўлдирилди (8-расм).



## 8-расм. Чиқинди полигонларининг геопортали

([https://www.google.com/maps/d/edit?mid=1WA51P38oHaKMB\\_ax6KoiVpyji8Ss8gM&usp=sharing](https://www.google.com/maps/d/edit?mid=1WA51P38oHaKMB_ax6KoiVpyji8Ss8gM&usp=sharing))

Бухоро вилояти бўйича жами 16 та чиқинди объектларидан 6 таси қабул қилиниб, қолган 10 та чиқинди полигонлари талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли муаллиф томонидан махсус алгоритм ёрдамида мақбул жойларни белгилаш тизими орқали тавсия этиладиган ҳудудлар геовизуаллаштирилди. Мазкур тавсия этилган ҳудудларда талаб даражасида бўлмаган 10 та чиқинди полигонларини жойлаштириш учун мақбул бўлган ер танлаш ишлари амалга оширилди.

## ХУЛОСАЛАР

Чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш услубини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бухоро вилоятида мавжуд 16 та фаолият юритаётган чиқинди полигонлари геовизуаллаштирилди. Полигонларининг географик жойлашуви, географик кенглик ( $\varphi$ ), географик узоклик ( $\lambda$ ) ва Болтиқ денгизи сув сатҳига нисбатан баландлик ( $h$ ) кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Мавжуд

чиқинди полигонларининг майдони, чиқинди миқдори, меъёрий талаблари ўрганилди.

2. Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар чиқинди полигонларининг учта таснифидан (санитария, назорат қилинадиган, тоифасиз полигон) фойдаланиши аниқланди. Мавжуд чиқинди полигонларининг санитар-муҳофаза зоналари бўйича буферизация лойиҳалари ишлаб чиқилди.

3. Тадқиқот ҳудудида чиқинди полигонлари ҳақида маълумот олиш учун ишлатиладиган масофадан зондлашнинг уч қисми (нишонлар, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш) технологияси асосида мониторинг ишлари амалга оширилди.

4. Тадқиқот ҳудудидаги барча чиқинди полигонлари масофадан зондлаш материаллари асосида таҳлил қилиниб, 9 та ҳудудда (Бухоро, Вобкент, Жондор, Қоракўл, Пешку, Ёждувон, Қоровулбозор ва Когон туманлари ҳамда Когон шаҳридаги шаҳри) чиқинди полигонлари ер ажратиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган ер майдонларидан ортиқча майдонларни эгаллаганлиги аниқланди.

5. Масофадан зондлаш материаллари ёрдамида чиқинди полигонларини мониторинг қилиш ва геомаълумотлар базасини яратиш услуги ишлаб чиқилди.

6. ГАТ оиласига мансуб бўлган ESRI компаниясининг ArcGIS дастури маълумотлар базаси асосида чиқинди полигонларини геовизуаллаштириш учун махсус шартли белгилар базаси яратилди.

7. Тадқиқот ҳудудидаги чизиқли, майдонли ва нуқтали объектларини мониторинг қилиш ва шу асосида экин ерлари, аҳоли пункти ерлари ва сув ҳавзаларини векторлаш ишлари “Google Earth Pro” дастурида ёрдамида амалга оширилди.

8. Чиқинди полигонлари учун ер ажратишда ҳудудининг рельефи, иқлими, шамол йўналишлари ва ер ости сизот сувлари сатҳи ўрганилди ҳамда геоахборот тизими оиласига мансуб дастурий таъминотда геовизуаллаштирилди.

9. Чиқинди полигонларига ер танлаш алгоритми ишлаб чиқишда аҳоли ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси инобатга олинди.

10. Тадқиқот ҳудудидаги мавжуд ва тавсия этилаётган чиқинди полигонларининг ер майдонлари тўғрисида давлат ташкилотларини хабардор қилиш, ҳамда режалаштирилаётган бошқа турдаги лойиҳаларда муаммоли вазиятларни келтириб чиқармаслик мақсадида чиқинди полигонларининг очиқ геопортали ишлаб чиқилди.

11. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда чиқинди полигонларини жойлаштириш учун ер танлаш ишлари геоахборот технологиялари асосида бажарилса экологик самарадорлик 80%, иқтисодий самарадорлик 71% ҳамда ижтимоий самарадорлик 100% ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ “ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

---

**БУХАРСКИЙ ИНСТИТУТ УПРАВЛЕНИЯ ПРИРОДНЫМИ  
РЕСУРСАМИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА “ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА ИНЖЕНЕРОВ  
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ФЕРУЗ ШАМШОДОВИЧ**

**«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА ВЫБОРА ЗЕМЕЛЬ ДЛЯ  
РАЗМЕЩЕНИЯ ПОЛИГОНА ОТХОДОВ НА ОСНОВЕ  
ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ»**

**(на примере Бухарской области)**

**06.01.10 – Землеустройство, кадастр и мониторинг земель**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2022.3.PhD/Г2991.

Диссертация выполнена в Бухарском институте управления природными ресурсами при Национального исследовательского университета "Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства".

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.net](http://www.ziynet.net)).

**Научный руководитель:** Алтиев Абдурашид Султанович  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Курвонтоев Рахмонтой  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Мусаев Илхомжон Мақсудович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «14» апреля 2023 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете "Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства" (Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Кары-Ниязий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета "Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства" (зарегистрирован за № 262 ). Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Кары Ниязий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан «17» март 2023 года.  
(реестр протокола рассылки № 262 от «17» март 2023 года.)



[Signature]  
Т.З.Султанов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.,  
профессор

[Signature]  
Ф.А.Гаппаров  
Заместитель секретаря научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.,  
профессор

[Signature]  
К.Р.Рахмонов  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, к.э.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ежедневно образуется 3,5 миллиарда тонн бытовых отходов. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (ФАО)<sup>1</sup>, в мире ежегодно на свалки выбрасывается 884 миллиона тонн пищевых отходов. Следовательно, устойчивое развитие напрямую связано с изменением отношения членов общества к окружающей среде и использованию природных ресурсов. Поэтому использование современной техники и технологий занимает ведущее место в управлении полигонами отходов. Во всем мире требуется внедрить в практику систему автоматизации и модулирования геоинформационной базы данных управления земельными участками, отведенными под полигоны отходов, с использованием программного обеспечения. В связи с этим важно установить контроль за использованием земель полигонов отходов, вести учет земель полигонов отходов через базу геоданных, сформировать информационную систему о них, автоматизировать размещение полигонов.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку усовершенствованных и комплексных научно-технических решений по оптимальному размещению полигонов отходов на основе формирования и геовизуализации тематических слоев в базе геоданных полигонов отходов, и использования геоинформационной системы с применением современных методов отбора земель для размещения полигонов отходов. В связи с этим в процессе отвода земель под полигоны отходов особое внимание уделяется исследованиям, направленным на получение высокоточной информации о типах земель и повышению оптимальности и эффективности выбора земель.

В республике реализуются комплексные меры по дальнейшему улучшению системы реализации процессов, связанных с бытовыми отходами, улучшению экологического и санитарного состояния территорий, ведению учета объектов инфраструктуры санитарной очистки, автоматизации системы проектирования и эксплуатации полигонов твердых бытовых отходов, и достигнуты определенные результаты. Согласно пункту 79 Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы, определены важные задачи по «...доведению сбора бытовых отходов до 100%, а уровня их переработки с 21% до 50% к 2026 году». При реализации этих задач, в свою очередь, важное значение приобретает проведение научных исследований по организации отбора земель под полигоны отходов на основе современных методов, формирование базы геоданных полигонов отходов и модулирование автоматизированной системы процессов их размещения на основе геовизуализации.

---

<sup>1</sup> [Презентация-Упаковка-2022-01-25.pdf \(fao.org\)](#)

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2019 года № ПП-4291 «Об утверждении стратегии проведения работ по твердым бытовым отходам в Узбекистане на период 2019-2028 годов», Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 февраля 2019 года № 95 «Об утверждении нормативных правовых документов в сфере осуществления работ по обращению с отходами» и от 2 октября 2018 года № 787 «Правила размещения и использования объектов инфраструктуры санитарной очистки и проведения работ, связанных с бытовыми отходами», Государственного комитета Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды от 17 октября 2019 года № 12 «Об утверждении инструкции по проектированию и эксплуатации полигонов твердых бытовых отходов» и других нормативных правовых актов, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики III. «Развитие информации и информационно-коммуникационных технологий» и IV. «Сельское хозяйство, биотехнологии, водные проблемы, экология и охрана окружающей среды».

